Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

№12 (361)
2020 йил 14 февраль, жума
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

UZBUNYODKOR   t.me/uzbunyodkor   uzbunyodkori@umail.uz

## ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИНИ ҚЎРИҚЛАШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 13 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини қўриқлаш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш масалаларига бағишланган ишчи йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда Президент ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппарати ҳамда Давлат хавфсизлик хизмати раҳбарлари иштирок этди.

Чегара қўшинлари фаолиятининг амалий натижалари ҳамда мамлакатимиз Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондони томонидан 2019 йил 27 август куни ўтказилган йиғилишда белгиланган вазифалар ижросининг бориши кўриб чиқилди.

Бугунги кунда халқаро ва минтақавий хавфсизликка таҳдид солаётган хавф-хатарларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини янада оширишнинг устувор йўналишлари белгиланди.

Замонавий автоматлаштирилган чегара назорати тизимлари ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, шунингдек, Чегара қўшинлари бўлинмаларининг куч ишлатар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро уйғун ҳамкорлигини йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларини профессионал тайёрлаш сифатини ошириш, уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари ҳар томонлама кўриб чиқилди.

Марказий Осиё давлатларининг чегара идоралари билан алоқаларни изчил ривожлантириш, турли халқаро ташкилотлар билан қўшма тадбирларни кўпайтириш ҳамда хорижий шериклар билан чегараолди ҳамкорликни фаоллаштириш юзасидан эришилган келишувларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев минтақада савдо, туризм алоқалари ва маданий алмашинувларни мустаҳкамлаш, одамларнинг борди-келдисини кўпайтириш мақсадида фуқаролар ва хорижлик меҳмонлар учун Давлат чегарасини кесиб ўтишда қулай шароитлар яратиш муҳимлигига эътибор қаратди.

Амалга оширилаётган ишлар танқидий таҳлил қилиниб, мутасадди тузилмалар раҳбарларига Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

**ЎзА.**

## ТЕХНОПАРКЛАР ҚУРИШ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 13 февраль куни ахборот технологияларини ривожлантириш, бунинг учун замонавий инфратузилма яратиш масаласига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Маълумки, жорий йил юртимизда «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили», деб эълон қилинди. Барча соҳаларда очиқлик, ошкоралик ва самарадорликни таъминлаш мақсадида «Электрон ҳукумат» тизими кенг жорий этилмоқда. Хусусан, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 178 та хизмат йўлга қўйилиб, аҳолининг вақти ва харажатлари тежалмоқда.

Рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши АҚШда 10,9 фоиз, Хитойда 10 фоиз, Ҳиндистонда 5,5 фоизни ташкил этади. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 2 фоиздан ҳам ошмайди.

Бу соҳани ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан Ҳиндистон Республикасининг Электроника ва ахборот технологиялари вазирлиги қошидаги Дастурий технологиялар парклари жамияти ҳамкорлигида мамлакатимизда IT-парк ташкил этилиши белгиланган эди. 2019 йил 10 январда Вазирлар Маҳкамасининг шу борадаги қарори қабул қилиниб, пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки қурилиши бошланди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йил 20 ноябрь куни ушбу паркка ташриф буюриб, бу ердаги шароитлар билан яқиндан танишди. Соҳа ривожига янада кенг шароит яратиш мақсадида IT-паркнинг янги босқичи қурилишига тамал тоши қўйди.

Ҳозирги кунда бу ерда ахборот технологиялари соҳаси бўйича 350 та маҳаллий резидент-корхона фаолият юритиб, 4 минг нафар мутахассис ишламоқда. Хорижий ҳамкорлар билан биргаликда «1 миллион дастурчи» лойиҳасини амалга ошириш бошланди.

2020-2024 йилларда 14 та ҳудудда Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркининг филиали ташкил этилиб, резидентлар сонини 3 баробар ошириш ва ходимлар сонини 40 мингтага етказиш режалаштирилган. Бунинг натижасида компьютер ва дастурлаш хизматлари ҳажми ҳам, экспорти ҳам анча ошади.

Йиғилишда Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки ҳамда унинг филиалларини қуриш, юқори технологияли инфратузилмалар яратиш масалалари муҳокама қилинди.

IT-академия, IT-лаборатория, Коворкинг маркази, Мобиль иловалар ишлаб чиқиш маркази, Масофавий ахборот технологиялари марказини барпо этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлат буюртмаси асосида соҳа ва тармоқлар учун зарур замонавий дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш механизмини йўлга қўйиш таклифи билдирилди.

Жаҳондаги тенденциялар билан ҳамқадам бўлиб, янги ишланмаларни ҳаётга фаол жорий этиш, етакчи технопарклар билан ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлиги қайд этилди.

Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки ходимлари ҳамда хорижий мутахассислар учун кўп қаватли уйлар, меҳмонхона, спорт мажмуалари барпо этиш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Мутасаддилар қурилиш ва лойиҳалаштириш ишларининг бориши юзасидан ҳисобот берди.

**ЎзА.**

БУГУНГИ СОНДА:



ҒАЛАБА БОҒИ тарихни ўзида мужассам этади 2, 5



Приглашение для участия в национальных конкурсных торгах 4



БОБУР – шоҳ ва шоир 6

## Навоийда илк хусусий мактаб очилди

**Навоий вилоятида давлат шериклиги асосида илк хусусий мактаб иш бошлади.**




Абу Райҳон Беруний номидаги илм масканида 320 нафар ўқувчи таълим олиш имкониятига эга.

Хусусий таълим масканининг очилиш маросимида Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётганини таъкидланди. Айниқса, жорий йилга Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили дея ном берилиши замирида ҳам юртимизда илм-фанни янада ривожлантириш, келажак авлоднинг замонавий билимларни эгаллаши, замон билан ҳамнафас бўлиши каби мақсадлар мужассам.

Дарҳақиқат, жорий йилда вилоятда Бухоро вилоятининг Халқаро математика фанига ихтисослаштирилган «Қоракўл мактаби» билан ҳамкорликда 500 ўринли Навоий-Қоракўл мактаб-интернатига асос солинди. Мазкур муассасада математика, физика, кимё, биология ва инглиз тили фанлари чуқурлаштириб ўргатилади.

Хусусий мактабда жорий йилнинг 1 февралидан 1-4 синфларда ўқиш бошланди.

Шу куннинг ўзида Навоий вилоятида ўқитувчиларни янада қўллаб-қувватлаш ва уларнинг жамиятдаги нуфузини янада ошириш мақсадида 49 нафар халқ таълими ходими «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони ҳамда 29 нафари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Фахрий ёрлиғи» билан тақдирланди. 6 нафар ўқитувчи Халқ таълими вазирлигининг «Халқ таълими фидоийси» кўкрак нишонига муносиб деб топилди.

**Нуриддин РАҲИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Матбуот анжумани

**Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги анжуманлар залида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги мутасаддилари иштирокида матбуот анжумани ташкил этилди. Унда мутасаддилар ОАВ ходимларига қурилиш соҳасига АКТ кенг жорий этиш масалалари борасида атрофлича маълумотлар бердилар.**

– Қурилиш соҳасини ривожлантириш учун нормативларни халқаро стандартлар билан ўзаро уйғунлаштириш зарур, – деди матбуот анжуманида Қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидоятов. – 2020 йилда жами 60 та янги нормаларни ишлаб чиқиб, амалиётга кенг жорий этишни режалаштирганмиз. Бу борадаги ишларимиз 2025 йилга қадар давом этади.

*(Давоми 3-бетда)*




## Энергиятежамкорлик сифат мезонидир

**Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан давлатимиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган энергиятежамкорлик сиёсати йўналишида 10 дан ортиқ шаҳарсозлик ҳамда қурилиш меъёрлари ва қоидалари қайта кўриб чиқилди.**

«Жамоат бино ва иншоотлари» (ШНК 2.08.02-09*), «Қурилиш теплотехникаси» (КМК 2.01.04-97*), «Иситиш, вентиляция ва ҳаво тозалаш учун энергия сарфлари» (КМК 2.01.18-2000*), «Иситиш, вентиляция ва ҳаво тозалаш» (КМК 2.04.05-97*), «Маъмурий бинолар» (КМК 2.08.04-04*), «Даволаш муассасаларига мослаштириладиган бино ва иншоотлар» (КМК 2.08.05-97), «Том ва том қопламалари» (КМК 2.03.10-95), «Лойиҳа бош муҳандиси (бош архитектори) ҳақида Низом» (КМК 1.03.09-96), «Архитектура-қурилиш терминологияси» (КМК 1.01.04-98) ва бошқалар шулар жумласидандир.

*(Давоми 3-бетда)*

O'ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№12 (361) 2020 йил 14 февраль



**«Уруш йилларида халқимиз кўрсатган ҳақиқий жасорат ва матонатни кино, театр санъати, бадиий-публицистик асарлар, илмий тадқиқотлар орқали кўрсатиш, аҳоли, айниқса, ёшларимизга таъсирчан тарзда етказиш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида муҳташам «Ғалаба боғи» бунёд этилмоқда».**

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан).*

# Ғалаба боғи тарихни

***1975 йилнинг 9 май куни буюк Ғалабанинг 30 йиллиги муносабати билан Тошкентда «Номаълум солдат қабри» монумент мажмуаси очилганди. Ўша куни ёш бола бўлганим учун ота-онамнинг қўлларини ушлаб ана шу мажмуанинг очилиш маросимини томоша қилишга борганим ёдимда.***

Уйимиз ҳозирги Мустақиллик майдонидан унчалик узоқ эмасди. Шундай бўлса-да, у ерга етиб бориш ўша куни анча вақтни олганди. Сабаби, бу тарихий воқеани кўриш иштиёқидагилар жуда кўп, майдонга кетаётганлар оқими катта эди. Ёшу қари бахтли ҳаётимиз учун жон берган номаълум ва номи маълум солдатларга ўз эҳтиромини билдириш учун ўша томон ошиқарди.

Отам мажмуага етиб боргунча йўл-йўлакай урушнинг ўша маъшум кунлари ҳақида, фронт ортидаги ҳаёт ҳам жанг майдонлари каби шиддатли ўтганини ҳаяжон билан сўзлаб берганди. Мажмуага келганимизда у ерда кўкси турли нишонлар билан тўла, бир вақтлар навқирон ёшида қақшатқич, суронли жанг майдонларида матонат кўрсатган эркагу аёллар фарзандлари билан «Номаълум солдат қабри»га ҳурмат бажо келтираётганларини, уларнинг кўзларидан оқаётган ёш томчиларини ҳамон энтикиш билан эслайман.

Болалик чоғимизда «Ғалаба боғи» (ҳозирги «International», «Япон боғи», «Tashkentland» ва «Аква» боғи ўрнида бўлган) энг севимли боғларимиздан бири эди. Ўқувчилик давримизнинг шўх-шодон даври ана шу боғда ўтган десам адашмайман.

Ўша ерда Ватан ҳимоясида иштирок этган ўқитувчиларимиз урушнинг суронли даврида жанг майдонларида бўлиб ўтган воқеаларни сўзлаб беришар, бизни шу тинчликни қадрлаб, ўшандай қирғинбарот кунлар бошқа такрорланмаслиги учун юртни севишни, уни авайлаб-асрашга доим камарбаста туришимизни уқтиришарди.



Боғ ҳудудига кирувчи рамзий дарвоза.

Ўша кунлардан ҳам мана салкам 40 йил ўтди. Бизнинг болалигимиз ўтган «Ғалаба боғи» бузилиб, унинг ўрнига замонавий меҳмонхонаю истироҳат боғлари барпо этилганда, бир энтиккандик. Биз боғнинг бузилганидан эмас, аксинча хотира йўқолиб бораётганидан андуҳ чеккандик. Албатта, замон ўзгармоқда, шаҳримиз янги қиёфа касб этмоқда. Шу сабабли ҳам кўплаб эски жойлар бузилишини табиий ҳолдек қабул қилгандик ўшанда. Лекин бир кунмас-бир кун ўша машъум уруш даврида ҳалок бўлганлар хотирасига яна боғлар барпо этилишига ишонардик.



Уруш даҳшати ҳудудидаги траншеяларга ўрнатиладиган танклар.

2018 йил октябрь ойида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида муҳтарам Президентимиз 2020 йилда Ўзбекистон Буюк Ғалабанинг 75 йиллигини муносиб кутиб олмоқчилигини, шу муносабат билан Тошкентда «Ғалаба» истироҳат боғи мажмуаси барпо этилиши тўғрисида маълум қилганида, 2019 йилнинг 25 июнь куни Президент Шавкат Мирзиёев Олмазор туманида бўлиб, у ерда барпо этиладиган Ғалаба боғи юзасидан кўрсатмалар берганида дилимиз шукроналикдан ҳис-ҳаяжонга тўлганди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланган даврда Ўзбекистон аҳолиси 6,5 миллион киши эди. Шулардан 1,5 миллиондан ортиғи урушда қатнашди. Иккинчи жаҳон уруши фронтларида Ўзбекистон аҳолисининг 22 фоизи жанг қилди. Агар аҳолининг ярмини аёллар, болалар ва кексалар ташкил этиши ҳисобга олинса, меҳнатга яроқли аҳолининг 40 фоиздан ортиғи фронтда жанг қилган.

Уларнинг ярим миллиондан зиёди қақшатқич ва қонли жангларда мардларча ҳалок бўлиб, 133 мингга яқини бедарак йўқолди, 60 мингдан ортиқ ватандошимиз эса урушдан ногирон бўлиб қайтди. Буларни унутиб бўларканми?

Буюк Ғалабанинг қутлуғ санасини нишонлаш борасида Президентимизнинг 2019 йил 23 октябрдаги «Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида»ги ПҚ-4495-сонли қарори, Тошкент шаҳрида барпо этиладиган Ғалаба боғининг концепцияси билан танишган киши ушбу байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга қанчалик эътибор берилаётганини билиб олиши мушкул эмас.

Кўпмиллатли Ўзбекистон халқи бутун тараққийпарвар инсоният қатори 1941 – 1945 йилларда Иккинчи жаҳон урушида фаол иштирок этиб, фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшди.

Ҳозирда 9 май – Ғалаба байрами мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонланиб келинмоқда. Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган аждодларимиз хотирасига чуқур ҳурмат бажо келтирилиб, фашизмга қарши жангларда, меҳнат фронтида жонбозлик кўрсатган фахрийларимизга алоҳида эътибор ва эҳтиром кўрсатиш – юртимизда олийжаноб анъанага айланиб қолди.

Ўтган йилнинг июнь ойида Президентимиз Олмазор туманида бўлиб, Ғалаба боғини қуриш концепциясини ишлаб чиқиш бўйича топшириқ ва кўрсатмалар берган чоғида:

– Бу боғ халқимизнинг Ғалабага қўшган ҳиссасини намоён этиши, ота-боболаримизнинг қаҳрамонлигини абадийлаштириши керак. Бу ерда Иккинчи жаҳон уруши муҳити, ватандошларимиз қатнашган жанглар ҳақида маълумотлар акс этиши зарур, – деган эди.

Ана шундай эзгу ишларни изчил давом эттириш, 2020 йили дунё миқёсида кенг нишонланадиган буюк сана – Ғалабанинг 75 йиллик байрамига пухта тайёргарлик кўриш ва уни юксак даражада ўтказиш, Ўзбекистон халқининг жанг майдонларидаги, уруш ортидаги қаҳрамонлиги ва фидокорона меҳнатини, тарихий хизматларини мамлакатимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш ва абадийлаштириш, ёш авлодларимизни ота-боболаримиз жасоратига муносиб бўлган, бугунги тинч, осойишта ҳаётни асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлашга қодир, жонажон Ватанимизга садоқатли инсонлар этиб тарбиялаш мақсадида Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, Тошкентда қурилиши режалаштирилган Ғалаба боғининг концепцияси ҳам қабул қилинди.

Ғалаба боғи концепциясининг бош ғояси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Биз барчамиз, аввало, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз фашизм балосига қарши курашда жасур аждодларимиз, кўпмиллатли Ўзбекистон халқи кўрсатган мардлик ва матонатни асло ёдидан чиқармаслиги керак» деган сўзларида ўз ифодасини топган.



Темирйўл вокзали кўринишидаги музей.

Юз минглаб навқирон ватандошларимиз жанг майдонларида қон тўкиб, жон бердилар. Уларнинг жасоратидан кам бўлмаган жон фидолик намуналари сифатида фронт ортида ҳам аёллар, кексалар, ёш болалар чинакам қаҳрамонлик кўрсатдилар. Бу сўнмас жасорат халқимиз учун шон-шараф мактаби, ғурур-ифтихор манбаи бўлиб келмоқда.



«Концлагерь» инсталляцияси.

Ғалаба боғини яратиш бўйича концепцияда унинг умумий кўриниши, меъморий тузилиши миллий анъаналаримизга мос бўлиши ҳамда мемориал ёдгорликлар яратиш бўйича жаҳондаги илғор тажрибаларни ўзида мужассам этиш, унинг марказида беш ўғли урушда мардларча ҳалок бўлган Зулфия Зокирова ва унинг садоқатли келинлари сиймосида ўзбек оиласининг умумлашган образини акс эттирадиган «Матонат мадҳияси» деб номланган ёдгорлик мажмуасини юксак ғоявий-бадиий савияда яратиш учун энг истеъдодли ва маҳоратли ижодкорлар, меъмор ва мутахассислар жалб этилиши таъкидланган эди.

Ғалаба боғидаги ҳар бир объект ва қурилма, музей экспонатлари орқали халқимиз, айниқса, ёшларни урушнинг даҳшатли оқибатларини ҳеч қачон унутмасликка, бугунги тинч ва осуда ҳаёт, мустақилликнинг қадрига етишга, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш, Ватан ҳимоясига тайёр туриш руҳида тарбиялашга устувор аҳамият берилмоқда. Унинг лойиҳасида аҳолининг тарих билан ҳамнафас бўлиб, ўтганлар хотирасини ёд этиши, уларга ҳурмат бажо келтириши, мазмунли дам олиш, оммавий маданий тадбирлар, ижодий учрашувлар, адабий кечалар ўтказиш учун барча шароитлар яратиш кўзда тутилган.

Ғалаба боғининг қандай кўринишда бўлиши ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш мақсадида лойиҳа бош меъмори Гулшоира Магаметовага мурожаат қилдик.



Республикамиз ҳудудлари удумларида ёпилган ва урушга отланган йигитлар тишлаб, хонадонлар деворларига осиб қўйилган нонлар.

# Матбуот анжумани

(Давоми. Боши 1-бетда)









Мазкур жараёнда айниқса, рақамлаштириш борасида ҳам кенг кўламли ишларни амалга ошириш чоралари кўрилаётгани ҳақида батафсил тўхталиб ўтилди. Жумладан, Геоахборот тизимига эътибор қаратилар экан, бу тизимга Ўзбекистон Республикасининг шаҳарсозлик бош режалари жойлаштирилиб, тизим жорий йилнинг 1 мартида ишга туширилиши маълум қилинди. Эндиликда юртимизда иш бошламоқчи бўлган хорижий инвесторлар қаерда, қандай қурилиш ишларини олиб боришлари мумкинлигини шу тизим орқали бемалол билиб олишлари мумкин бўлади.

Булардан ташқари, Қурилиш назоратини тўлиқ рақамлаштириш режалаштирилгани айтиб ўтилди. Бу билан аввало, назорат инспекторларига қулайлик яратилиши, натижада назорат яхшиланиши ҳақида мутасаддилар сўз юритдилар. Табиийки, қурилиш жараёнларида иш сифати ошиб, унга бўлган вақт сарфи ҳам анча камаяди. Шунингдек, жараён рақамлаштирилгандан сўнг вазирлик мутасаддиларининг инспекторлар фаолиятини тўлиқ назорат қилишига эришилади. Бунинг натижасида коррупциянинг олди олиниб, жараён шаффофлашади. Бу ўз навбатида тадбиркор пудратчилар фаолиятини ҳам осонлаштиради. Ортиқча сарсонгарчилик ва қоғозбозликка барҳам берилади.

Маълумки, лойиҳаларни экспертизасини рақамлаштириш деганда жараён тўлиқ электрон тизимга ўтиши назарда тутилган. Бунда лойиҳачи масофадан туриб, интернет орқали лойиҳасини экспертиза бошқарувига жўнатади. Мазкур тизимнинг қулайлиги, бу лойиҳачиларнинг қўлида қоғозлари билан сарсон бўлишини олдини олиши ва вақтини тежаган ҳолда ишини тез битиришига кўмаклашишидадир. Яна бир муҳим жиҳат бор, бунда лойиҳачи ва унинг ишини кўриб чиққан мутахассис бир-бирларини кўрмайди ва табиийки натижада коррупцияга йўл қўйилмайди.

Соҳа мутасаддилари эндиликда вазирлик расмий сайтига қурилиш жараёни калкулятори жойлаштирилиши ҳақидаги янгиликни тақдим этдилар. Албатта, табиий савол туғилади. Хўш, бу нима дегани? Истаган киши, юртдошларимиз ёки хорижий инвесторлар бўлсин, ундан бемалол фойдаланишлари мумкин. Улар Ўзбекистонда бирор бир объект қурмоқчи бўлсаю, бунинг учун ишни нимадан бошлаш кераклигига боши қотса, бу тизим унга кўмак беради. Яъни қандай жараёнлардан ўтилади ёки қайси ҳужжатлар талаб этилади, ҳаттоки сарфланадиган маблағ ва вақт ҳажми ҳам унда аниқ кўрсатилган бўлади.

– Бу ҳам катта қулайлик, – деди Шерзод Ҳидоятов. – Илғор давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда қурилиш ишларини тендерини ягона мукаммал порталини ишлаб чиқиш зарур. 2020 йил июль ойига қадар ривожланган хорижий давлатлар мутахассис консультантлари билан мукаммал тендер порталини ишлаб чиқамиз. Натижада Давлат дастурлари ягона портал орқали рақамли шаклда бўлади, бу эса шаффофликни таъминлайди.

Матбуот анжумани давомида яна бир муҳим янгилик хусусидаги маълумотлар журналистлар диққат марказида бўлди. Эндиликда пудрат ташкилотларининг рейтинги ишлаб чиқилиб, қурилиш ташкилоти ишчи-муҳандислари сифатини ўз ичига оладиган рейтинг тизими яратилади. Унда ишчи-муҳандисларнинг касбий билими, корхона бажарган ишлари кўлами, солиқ тўлови, банкдаги ҳисоби ва шу каби омиллар мужассам бўлади.

Лойиҳа ташкилотлари ўртасида соғлом рақобатни шакллантириш вазифаси Қурилиш вазирлиги мутасаддилари зиммасига юклатилган. Илғор давлатлар лойиҳачи консультантларини жалб қилган ҳолда 2020-2021 йиллар лойиҳаларини ушбу консультантлар билан биргаликда ишлаб чиқилади. Бу эса табиийки, юртимизда кўплаб арзон, қулай, замонавий, энергиятежамкор бинолар қурилишига хизмат қилади.

Матбуот анжумани якунида журналистлар соҳага оид барча саволларига мутасаддилардан батафсил жавоблар олдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

# Энергиятежамкорлик сифат мезонидир



(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, ана шу меъёр ва қоидаларни амалга ошириш бўйича қуйидаги қўлланмалар ишлаб чиқилди: «Қурилиш теплотехникасида янги энергиятежамкор ечимларни лойиҳалаш» (КМК 2.01.04-97га қўлланма), «Энергия сарфининг янги меъёрлари бўйича биноларни лойиҳалаш» (КМК 2.01.18-2000*га қўлланма), «Энергиясамарадор том ва том қопламаларини лойиҳалаш» (КМК 2.03.10-95*га қўлланма), «Иситиш, вентиляция ва ҳаво тозалаш бўйича янги энергиятежамкор ечимларни лойиҳалаш» (КМК 2.04.05-97*га қўлланма), «Жамоат биноларида янги энергиятежамкор ечимларни лойиҳалаш» (ШНК 2.08.02-09га қўлланма).

Юқоридаги шаҳарсозлик ҳамда қурилиш меъёрлари ва қоидаларида янги қурилаётган, капитал таъмирланаётган ҳамда реконструкция қилинаётган бино ва иншоотлар лойиҳаларининг ишлаб чиқилишида биноларга кўплаб янги энергиятежамкор талаблар ўрнатилган. Шулар қаторида, ишлаб чиқилаётган ҳар бир янги қурилиш, таъмирлаш ва реконструкция лойиҳаларида кўзда тутилган энергиятежамкорлик талабларини бажариш бўйича кўрилган чора-тадбирлар лойиҳанинг алоҳида бўлимида ёритилиши бўйича талабдир.

Ўтказилган тадқиқотлардан маълумки, олдин қурилган биноларда иссиқлик энергиясининг 40 фоизи, айрим ҳолларда 50 фоизи атмосферага чиқиб кетарди. Бунда, ташқи деворлардан – 35-40 фоиз, томдан – 25-30 фоиз, ертўладан – 15-20 фоиз, кириш-чиқиш узеллардан– 15-20 фоиз, ойна проёмлардан – 10-15 фоизгача энергия йўқотилади.

Шунинг учун, энг аввало ташқи деворларни қоплаш, том ва пол таги қатламларини теплоизоляция қилиш, ойна проёмларини қисқартириш, уларга энергиятежамкор ромлар ўрнатиш, киришда тамбур қуриш чораларини кўриш зарур. Электрэнергия тизимида фақат энергиятежамкор лампалар қўлланилиши шарт. Бу чоралар қишда ёқилғи (кўмир, табиий газ) ни, электр энергияси ва ёзги жазирамада совутгич учун электр энергиясини 30 фоиздан 50 фоизгача тежаш имконини беради.

Ҳозирда республикамизда энергиятежамкор материалларнинг кўплаб турлари ишлаб чиқарилмоқда. Булар пенополистиролнинг ҳар хил турлари, базальтоволокно (минвата), пенобетон, газобетон ва шу кабилар. Янги бино қурилиши, мавжуд биноларни капитал таъмирланиши ва реконструкция қилиниши учун лойиҳалар тайёрлашда ушбу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Шу билан давлатимизда энергия таъминотида узилишларни олдини олиш, давлат ва аҳоли маблағларининг оқилона сарфланиши ва тежалишига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Андижон вилояти Қурилиш соҳасида худудий назорат инспекцияси ўз текширувларини олиб боришда лойиҳаларда ва қурилиш жараёнида энергиятежамкорлик талабларининг бажарилишига алоҳида эътибор қаратади. Ушбу талаблабларга эътиборсизлик билан ёндашган лойиҳа ва пудрат ташкилотларига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда чоралар қўлланилади.

**Акромжон МУХТОРОВ,**
**Андижон вилояти**
**Қурилиш соҳасида худудий**
**назорат инспекцияси бўлим**
**бошлиғи.**

# Зиммадаги масъулият ошмоқда

**Уй – шаън, Ватан ичра ватандир. Зеро, юртимизда арзон ва сифатли турар жойлар қуриш кўлами йил сайин кенгайтирилаётгани боис, аҳолининг барча қатламига ўз уйига эга бўлиш имкони берилмоқда.**

Агар кейинги ўн йил давомида республикамизда 123 мингдан ортиқ хонадон қурилиб, ўз эгаларига топширилган бўлса, шунингдек, 80 мингдан ортиғи «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ томонидан молиялаштирилгани бизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Муҳими, ажратилган маблағнинг қарийб етмиш фоизи банкнинг имтиёзли ипотека кредитлари улушига тўғри келади. Келгусида ҳам ана шундай эзгу саъй-ҳаракатлар кўламини кенгайтириб, халқимизга муносиб яшаш шароитини яратиш режасини давом эттиришга қатъий бел боғлаганмиз. Бинобарин, муҳтарам Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида: «Банк соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий мақсади – тижорат банкларини мижоз учун ишлашга ўргатишдан иборат», деган фикрлари биз учун дастуриламал ҳисобланади.

Айни пайтда филиалимиз 17 598 мижозга хизмат кўрсатмоқда. Улар орасида қўшма корхоналар, хусусий корхоналар, давлат ташкилотлари, якка тартибдаги тадбиркорлар, омонатчилар бор. Банкимиз билан ҳамкорлик ўрнатганларга барча қулайлик ва имкониятлар муҳайё этилган. Ҳар қандай банк операцияларида амалга ошириш нақд, пул кўчириш, пластик карталардан фойдаланиш тизими намунали йўлга қўйилган. Шу боисдан аъзоларимиз сони мудом ошиб бораётганлиги диққатга сазовор. Қолаверса, банкимиз томонидан обод манзиллар, кўркам тураржойларга сармоя ажратиш асосий ўринни эгаллаётганлиги мижозларнинг кўпайишида муҳим омил бўлаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

2019 йилдан буён «Яшил ипотека»дан фойдалана бошлаганимиз янада катта ютуқларга йўл очмоқда. Президентимизнинг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳам ишчи-хизматчилар зиммасига улкан масъулият юклашига шак-шубҳа йўқ. Чунки жорий йилда қишлоқ жойларда барпо этиладиган 12 мингта хонадоннинг 8 мингтаси амалдаги механизм бўйича қурилиши кўзда тутилган. Яъни, «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ инжиниринг компанияси иштирокида аҳолининг бошланғич бадаллари, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки ва давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиб, асосий воситачилик бизга ишониб топширилган.

Хуллас, банк жамоаси, раҳбарияти олдида катта вазифалар турибди. Мурожаатнома эса фаолиятни янада такомиллаштиришни тақозо этади. Биз ана шу масъулиятли вазифани шараф билан уддалаш, банк тизимини янада ривожлантириш учун кескин чоралар кўришга астойдил интиламиз.

**Туйғун ШОДИЕВ,**
**АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»**
**Самарқанд минтақавий филиали**
**бошқарувчиси.**

**Бугунги кунда Бағдод туманида 53 та давлат ва 38 та нодавлат мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. 2020 йилда туманда 30 та оилавий боғча ташкил этиш орқали умумий қамровни 60 фоизга етказиш режалаштирилган.**

# Ҳавас қилса, арзигулик...







Бағдод тумани мактабгача таълим бўлими бошлиғи Раъно Тиллаеванинг айтишича, Инвестиция дастури доирасида ўтган йили 2 та боғча фойдаланишга топширилган бўлса, жорий йилда 3 та мактабгача таълим муассасаси замонавий асосда қуриб битказилиши кўзда тутилмоқда.

Хусусан, яқинда «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғинида янги мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди. 150 ўринли боғчада ҳавас қилса, арзигулик қулайликлар мавжуд. Концерт зали, ошхона, машғулотлар ўтказиш, дам олиш хоналарида барча шароитлар муҳайё. Бу ерда шунингдек, «Илк қадам» дастури доирасида боғчага қамраб олинмаган 60 нафар ўғил- қиз бошланғич таълим олмоқда.

Таъкидлаш жоизки, яқинда тумандаги МТМ лари учун ўтказилган амалий семинарда мазкур боғча фаолияти мамлакат миқёсида оммалаштириш учун тавсия этилди.

**Суратларда:** Фарғона вилояти Бағдод туманидаги 6-мактабгача таълим муассасасида.

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА)**
**олган суратлар.**

# Яна бир мактабгача таълим ташкилоти барпо этилди

**Пойтахтимиздаги Сергели туманида жойлашган «Ташаббус» МФЙ ҳудудида болажонлар учун «Билимлар олами» деб номланган 50-сонли мактабгача таълим ташкилоти янгидан қурилди. 235 ўринга мўлжалланган ушбу муассасасининг тантанали очилиш маросимида Мактабгача таълим вазирлиги, Сергели тумани ҳокимлиги мутасаддилари, педагоглар, кенг жамоатчилик иштирок этди.**

Мазкур таълим маскани бош пудратчи «Шайхон магистрал қурилиш» ташкилоти томонидан барпо этилиб, унга 14 миллиард 721 миллион дан ортиқ маблағ йўналтирилди. Эндиликда Сергели туманининг 5-«А» қурилиш участкаси ҳудудида жойлашган ушбу билимлар масканида болажонлар 9 гуруҳда малакали педагоглар ва мураббийлар томонидан мактабга сифатли тайёрланади. Бино ўзининг замонавийлиги ва бир-бирини такрорламас дизайни билан эътиборга молик. Маълумки, бугунги кунда таълим тизимига инновацион ғояларни кенг жалб этишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ушбу муассасанинг ёруғ ва шинам хоналарида ҳам замонавий илғор инновацион ечимлардан кенг фойдаланилди. Мусиқа хонаси, кутубхона, спорт ва ўйин майдончаси, айниқса, болаларнинг соғлиғига зарар келтирмайдиган хавфсиз ўйин ускуналари, беланчаклар, очиқ ҳовуз кичкинтойларнинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол ўсишларига хизмат қилади. Эътиборли жиҳати боғчага келган болажонлар куннинг иккинчи ярмида, ҳаттоки ота-оналари билан турли ўйинларни ўйнашлари мумкин бўлади.

Замонавий мебель, аудио, видео ускуналари, ўқув ёшидаги болалар учун ўйинлар ва ўйинчоқлар, уларнинг таълим-тарбия олишлари учун зарур бўладиган кўплаб турдаги жиҳозлар билан тўла таъминланган мазкур муассасада 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган кичкинтойлар қабул қилинади. Ўқув жараёнларида кичкинтойларнинг ҳам ақлий, ҳам жисмоний ривожланишлари учун алоҳида ўқув дарсликлари ва қўлланмалар, жумладан, уларнинг нутқини ўстириш ва саводхонлигини шакллантириш мақсадида турли машғулотлар йўлга қўйилган. Булардан ташқари, ўқил-қизларнинг ижодкорлик салоҳиятини янада юксалтириш мақсадида математика, ролли ўйинлар тамойиллари асосида тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган. Кутубхонада эса болажонларнинг китоб мутолааси маданияти юксалтириб борилади.

Биламизки, она табиатга бўлган муҳаббат болажонларда кичик ёшидан бошлаб пайдо бўла бошлайди. Шу боис, мактабгача таълим муассасасида жонли табиат бурчаги, турли ҳайвонот ва ўсимликлар оламининг кичик макетларини ўзида мужассам этган музей ва кўргазма ҳам ташкил этилган. Асосий мақсад эса болаларни кичик ёшидан бошлаб ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг саводхонлигини ошириш орқали мактабга сифатли тайёрлашдан иборат.

**Наргиза МИРЁҚУБОВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

# СПЕЦИАЛЬНОЕ ОБЪЯВЛЕНИЕ О ЗАКУПКАХ

**Республика Узбекистан**

**Проект:** «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

**Форма финансирования: Истисна'а**

**ПРОЕКТ № УЗБ-1004**

**№ конкурсных торгов 2020-01**

1. Республика Узбекистан получила финансовые средства от Исламского банка развития с целью финансирования проекта «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)» с соответствующей инфраструктурой и намерена использовать часть средств на строительство доступных типовых домов в сельской местности Республики Узбекистан. Конкурсные торги будут регулироваться в соответствии с правилами и процедурами закупок ИБР. ООО ИК «Кишлок курилиш инвест» – Заказчик, настоящим приглашает запечатанные конкурсные предложения от правомочных участников торгов для строительства 10 единиц многоэтажных жилых домов (300 квартир) по типовым проектам в сельских местностях Андижанской области.

**Срок строительства составляет** – 8,5 (восемь с половиной) месяцев.

2. Конкурсные торги будут проводиться в соответствии с условиями национальных конкурсных торгов, как указано в Руководстве по закупкам товаров и услуг ИБР в рамках финансирования ИБР (нынешнее издание), и открыт всем правомочным участникам, как указано в руководстве.

3. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию из нижеперечисленного областного консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве по нижеприведенному адресу в течение рабочего времени с 10.00 до 17.00.

| Андижанская область |
|---|
| **Адрес:** г. Андижан, пр. Навои, 30.<br>**Телефон:** (74) 223-57-05.<br>**Факс:** (74) 223-57-05. |

4. Полный комплект тендерной документации, составленной на русском языке, может быть приобретен правомочными участниками по представлению письменного заявления на имя организатора торгов по вышеуказанным адресам, а также необходимо приложить платежное поручение из банка о невозмещаемой оплате в размере одной МЗП.

5. Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковские счета организаторов конкурсных торгов – областным консалтинговым центрам по организации конкурсных торгов в строительстве.

**Ниже представлены его реквизиты банковского счета:**

| Андижанская область |
|---|
| **Банк:** Андижанский городской филиал АКБ «InFinBank»<br>**Р/с:** 2021 2000 4036 4994 4001<br>**ИНН:** 202 453 348 |

6. Все предложения должны быть предоставлены организатору конкурсных торгов с даты объявления конкурсных торгов в рабочее время (с 10.00 до 17.00 с понедельника по пятницу) по вышеуказанному адресу в пункте 3. Предложения будут приниматься в областном консалтинговом центре по организации конкурсных торгов в строительстве в соответствии с регионом до истечения крайнего срока подачи предложений, которые указаны ниже (см. таблицу). Если последний срок подачи конкурсных предложений попадает на национальный праздник, то последний срок подачи заявки продлевается на следующий рабочий день.

7. Требуется приложить тендерную гарантию к предложениям в размере не менее 2 % от стоимости предложения. Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок согласно нижеприведенной таблице в присутствии представителей участников торгов.

**Конкурсные предложения будут вскрываться по нижеуказанному адресу:**

| Андижанская область |
|---|
| **Адрес:** г. Андижан, пр. Навои, 30.<br>**Телефон:** (74) 223-57-05.<br>**Факс:** (74) 223-57-05. |

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

## ПРИГЛАШЕНИЕ №2020-01
## для участия в конкурсных торгах
## Проект «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

| № лота | Наименование региона | Наименование массива | Кол-во квартир | Многоэтажный дом с 2-,3-комнатными квартирами | | | Крайний срок подачи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | кол-во домов | кол-во квартир | № дома | |
| по Андижанской области | | 6 | 300 | 10 | 300 | | |
| ИБР-76 | Ходжаабадский | «Хужаобод» | 30 | 1 | 30 | 1 | 13 марта 2020 года, 10.20 |
| ИБР-77 | Избасканский | «А. Тиллабоев» | 30 | 1 | 30 | 1 | 13 марта 2020 года, 10.40 |
| ИБР-78 | Избасканский | «А. Тиллабоев» | 30 | 1 | 30 | 2 | 13 марта 2020 года, 11.00 |
| ИБР-79 | Избасканский | «А. Тиллабоев» | 30 | 1 | 30 | 3 | 13 марта 2020 года, 11.20 |
| ИБР-80 | Избасканский | «А. Тиллабоев» | 30 | 1 | 30 | 4 | 13 марта 2020 года, 11.40 |
| ИБР-81 | Избасканский | «Шарк Юлдузи» | 30 | 1 | 30 | 1 | 13 марта 2020 года, 12.00 |
| ИБР-82 | Кургантепинский | «Корасув» | 30 | 1 | 30 | 1 | 13 марта 2020 года, 12.20 |
| ИБР-83 | Джалалкудукский | «А. Темур» | 30 | 1 | 30 | 1 | 13 марта 2020 года, 12.40 |
| ИБР-84 | Джалалкудукский | «А. Темур» | 30 | 1 | 30 | 2 | 13 марта 2020 года, 13.00 |
| ИБР-85 | Джалалкудукский | «Пахтакор» | 30 | 1 | 30 | 1 | 13 марта 2020 года, 13.20 |

# «Respublika mulk markazi» МЧЖ «Poytaxt filiali»

**бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига «Bekobod ATS» МЧЖнинг 2020 йил 13 февралдаги 11-сонли буюртманомасига асосан Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Меъмор кўчаси, 266-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автобуслар қўйилмоқда:

1. «Исузу SAZ NP 37 Мидибус» русумли 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 871 BAA бўлган техник носоз автобус. **Бошланғич баҳоси** – 22 455 547 сўм.

2. «Исузу SAZ NP 37 Мидибус» русумли 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 857 BAA бўлган техник носоз автобус. **Бошланғич баҳоси** – 40 379 369 сўм.

3. «Исузу SAZ NP 37 Мидибус» русумли 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 868 BAA бўлган техник носоз автобус. **Бошланғич баҳоси** – 22 265 523 сўм.

4. «Исузу SAZ NP 37 Мидибус» русумли 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 393 BAA бўлган техник носоз автобус. **Бошланғич баҳоси** – 41 029 231 сўм.

5. «Исузу SAZ NP 37 Мидибус» русумли 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 867 BAA бўлган техник носоз автобус. **Бошланғич баҳоси** – 66 766 301 сўм.

6. «Исузу SAZ NP 37 Мидибус» русумли 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 853 BAA бўлган техник носоз автобус. **Бошланғич баҳоси** – 66 816 310 сўм.

7. «Исузу SAZ NP 37 Мидибус» русумли 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 851 BAA бўлган техник носоз автобус. **Бошланғич баҳоси** – 40 912 637 сўм.

8. «Исузу SAZ NP 37 Мидибус» русумли 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 859 RAA бўлган техник носоз автобус. **Бошланғич баҳоси** – 61 130 709 сўм.

9. «Исузу SAZ NP 37 Мидибус» русумли 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 856 RAA бўлган техник носоз автобус. **Бошланғич баҳоси** – 67 299 832 сўм.

10. «Исузу SAZ NP 37 Мидибус» русумли 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 390 RAA бўлган техник носоз автобус. **Бошланғич баҳоси** – 63 000 419 сўм.

Аукцион савдоси **2020 йил 18 март** куни, соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2020 йил 14 март куни, соат 18.00.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

**Юқоридаги автобуслар 2020 йил 18 март кунида сотилмаган тақдирда,** такрорий савдолар 2020 йил 25 март ҳамда 1, 8, 15, 22, 29 апрель кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин, соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт: 2260 4000 5005 7145 2002 ХАТБ «Давр банк» Яккасарой филиали МФО 01069 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-«А» уй.

**Телефон:** 71-237-23-91.

**Веб-сайт:** www.rmm.uz.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

# ПОПРАВКА

В объявлении территориального управления ГУП «Инжиниринговая компания по строительству объектов водоснабжения и канализации» по Хорезмской области, опубликованном в газете «O'zbekiston bunyodkori» №11 (360) 11.02.2020 г. срок истечения представления предложений заказчику читать 6 марта 2020 года в 16.00.

ИССЛЕДОВАНИЯ

# Швейцарии понадобится 100 лет на реконструкцию жилого фонда

**Как показали исследования, более четверти всех выбросов CO2 в Швейцарии приходится на жилые и офисные здания. Несмотря на финансовые стимулы со стороны государства и осознанную в обществе необходимость снижать степень воздействия парниковых газов на окружающую среду, реконструкция жилого фонда с целью повышения его энергоэффективности в стране продвигается медленно. Давайте разбираться почему так происходит.**

## МИЛЛИОН ДОМОВ НЕ УТЕПЛЕНЫ ИЛИ УТЕПЛЕНЫ СЛАБО

В Швейцарии на здания приходится около 40% общего энергопотребления и более четверти всех выбросов парниковых газов. Впрочем, это неудивительно. Примерно два из каждых трёх зданий были построены в Швейцарии до 1980 года, тем самым Конфедерация является одной из тех европейских стран, в которых чаще всего отопление осуществляется с помощью мазута. К этому следует добавить и тот факт, что более миллиона домохозяйств – всего в стране их насчитывается около 1,7 млн – имеют плохую теплоизоляцию или вообще не утеплены, что приводит к значительным потерям тепловой энергии.

Несмотря на резкое сокращение начиная с 1990 года выбросов CO2, по сравнению с остальной Европой уровень парниковых выбросов конкретно от жилых зданий в Швейцарии остается выше среднего. По данным Европейской ассоциации производителей изоляционных материалов, в 2014 году выбросы CO2 в строительном секторе Швейцарии составили около 1,2 тонн на душу населения.

Для сравнения – в Германии этот показатель находится на уровне в 0,6 тонны, в Великобритании и Португалии – 0,8 тонны, во Франции – 1,1. Только Испания (1,8), Финляндия (1,6), Италия (1,5), Бельгия и Австрия (1,4) имеют более высокие значения этого показателя, чем Швейцария.

С 2010 года в рамках специальной федеральной Программы в Швейцарии оказывается финансовая поддержка владельцам недвижимости, намеренным отремонтировать свою жилую собственность с целью повышения степени ее энергоэффективности. На реализацию этой программы, финансируемой кантонами, а также федеральным бюджетом за счет сбора на выбросы CO2, в 2018 г. было выделено 211 млн швейцарских франков.

Тем не менее, даже несмотря на все благие намерения и стимулы со стороны государства, которое из своего бюджета готово покрывать в каждом конкретном случае от 10 до 30% всех необходимых инвестиций, энергетическая модернизация зданий жилого фонда в Швейцарии продвигается довольно-таки медленно. По данным Швейцарского национального научного фонда (SNF, финансирует инновации), темпы энергоэффективной реконструкции существующих зданий составляют всего около 1% в год. Другими словами, это означает, что такими темпами цели Энергетической стратегии-2050 в срок достигнуты быть не могут.




Темпы должны быть как минимум удвоены, в противном случае потребуется целое столетие для того, чтобы буквально все жилые в Швейцарии здания достигли стандарта, отвечающего требованиям устойчивого развития. Иная ситуация складывается в сегменте новостроек (в 2017 году в Швейцарии в строй было введено 12 315 таких зданий). Даже несмотря на то, что в Швейцарии общего запрета на установку систем масляного отопления нет, в этом сегменте примерно с начала с 2000-х годов наблюдается резкое увеличение количества установленных тепловых насосов.

Все больше владельцев новых домов выбирают себе жильё, построенное по сертифицированным стандартам Minergie – самым на данный момент продвинутым стандартам эффективности использования энергии и качества жилых зданий. В зависимости от региона доля такого жилья среди новостроек достигает 10 – 25%.

## НЕДОСТАТОК ИНФОРМАЦИИ И ПРОБЕЛЫ В ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ

Недавние исследования на швейцарском и европейском уровне показывают, что многие потребители попросту не информированы о возможных технологических решениях и финансовых средствах, которые выделяет государство из своего бюджета с целью стимулирования граждан инвестировать в энергоэффективность своего жилья.

Исследования также показали, что многие граждане просто не обладают достаточными финансовыми знаниями для оценки степени выгодности инвестиций в энергоэффективность. Наконец, часто люди забывают о том, что энергоэффективный ремонт обеспечивает больший комфорт и лучшее качество воздуха. А это выгоды, которые также имеют и свою финансовую составляющую.

В расчете на будущее следует возводить дома, которые достаточно хорошо изолированы не только от холода, но и от тепла.

Однако действующие сейчас нормы и законы не соответствуют современным требованиям и возможностям. Кантоны реформировать своё законодательство с прицелом на оперативную и экономически рентабельную реализацию положений «Энергетической стратегии-2050». Кроме того, все процедуры лицензирования и порядок согласования проектов должны быть упрощены и ускорены.

## КАК ОБЕСПЕЧИТЬ «ЭНЕРГЕТИЧЕСКИЙ ПОВОРОТ»?

Правительство Швейцарии признает, что уже предпринятые до сих пор усилия недостаточны для достижения целей национальной «Энергетической стратегии» и Парижского соглашения. Поэтому в конце ноября 2019 года Федеральный совет (правительство Швейцарии) одобрил парламентскую инициативу, требующую кардинально сократить энергетические потери в строительной отрасли.

В документе указано, что «помимо транспорта именно здания и строительная отрасль будут находиться в центре будущих общественных дебатов по вопросам климата как в Швейцарии, где ограничения выбросов парниковых газов будут обсуждаться в рамках новой редакции «Закона о CO2», так и в Европе, где тема реконструкции жилых зданий будет одной из приоритетных тем нового «Зелёного курса».

## ШВЕЙЦАРСКАЯ НЕДВИЖИМОСТЬ В ЦИФРАХ

В Швейцарии насчитывается около 1,7 миллиона жилых зданий. Из них:

- почти 4 из каждых 5 зданий были построены до 1990 года (в среднем по Европе);
- более 1 миллиона домов плохо или не полностью теплоизолированы;
- почти 2 из каждых 3-х зданий отапливаются с помощью мазута или природного газа (метана);
- в 2018 году было утеплено 7 500 зданий и заменено 3 000 систем отопления;
- коэффициент обновления зданий составляет около 1 % в год.

**Подготовила Дильфуза ХАБИБОВА.**



# ўзида мужассам этади



«Меҳрибонлик қўли» скульптураси.

– «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» бош лойиҳа институтимиз объектнинг бош лойиҳачиси этиб тайинланган, – дейди Гулшоира Исламовна. – Ғалаба боғи пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги ҳозирда фаолият юритаётган «Нурафшон» болалар истироҳат боғининг ўрнида, аниқроғи Сағбон ва Қорақамиш кўчалари оралиғидан жой олади. Янги боғнинг умумий майдони 14,7 гектарни ташкил этиб, жажжи болажонларга хизмат қилаётган боғ билан битта яхлит мажмуага айлантирилади. Ғалаба боғини яратишнинг асл моҳияти шундаки, халқимизнинг уруш йилларида кўрсатган мардлик ва матонати, юксак инсоний фазилатларини, қаҳрамон аждодларимизнинг номлари, шонли анъана ва қадриятларини абадийлаштиришга, юртимизда инсон хотираси азиз ва муқаддас, қадри улуғ эканини таъкидлашга, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга қаратилганини эътиборга олиб, ушбу ғояни таъсирчан бадиий-монументал усуллар, инновацион ечимлар асосида ифода этишга алоҳида аҳамият бериш кўзда тутилган.

Ғалаба боғининг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, боғ алоҳида эътибор ва қунт билан барпо этилмоқда. Ундаги ҳар бир мажмуа, дарахтлар ўзига хос маънони англатади, халқимизнинг миллий руҳини ифода этади. Хусусан, боғдаги мавжуд дарахтларни сақлаб қолган ҳолда янги экиладиган чинор – матонат, бағрикенглик ва умрбоқийлик ифодаси, тут – сабр-бардош ва чидам, мажнунтол – уруш даврининг мунг ва қайғусини англатса, жийда, узум, қайрағоч кўчатлари эса қатъият, шукроналик, садоқат ва баракани ифодалайди. Шу билан бирга боққа ташриф буюрган меҳмонлар уруш даҳшати, қўрқуви, ғалаба нашидаси, эҳтиром каби туйғуларни ўзида ҳис этишлари учун у бир нечта ҳудудга бўлинади.

Боғнинг асосий қисмига қора ва оқ кучларнинг ўзаро тўқнашуви мисолидаги рамзий дарвозадан кириб борилади. Масканнинг асосий маркази 1941, 1942, 1943, 1944, 1945 йилларда бўлиб ўтган воқеалар ҳақида маълумот берувчи хотира китоблари шаклидаги барельефлар ўрнатилган хиёбон ҳисобланади. Хиёбон уруш даҳшати, фронт орти, қайғу ва ғам-ғусса, Ғалаба ва қувонч, шукроналик каби ҳудудларга бўлинган. Ҳудудларнинг барчаси шарқий шаҳар кўриниши билан ажратилган.

– Гулшоира Исламовна, иложи бўлса, ана шу ҳудудлар тўғрисида қисқача маълумот бериб ўтсангиз, – дея мурожаат қилдик лойиҳа меъморига.

– Аввало шуни таъкидлаш керакки, муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан Тошкентда қурилиши бошланган Ғалаба боғида тарихий рамзлар Иккинчи жаҳон уруши даври манзаралари ва мустақиллик мафкураси асосида акс эттирилмоқда. Бинобарин, биз меъморлар ва қурувчилар ана шу мафкурани юртдошларимиз онгига сингдириш, машъум уруш келтирган мусибатни боғда бунёд этилаётган ҳар бир деталларда кўрсатиб беришга ҳаракат қилмоқдамиз.



«Қайғу ва ғам-ғусса» инсталляцияси.

Хусусан, **уруш даҳшати ҳудуди**да уруш кўриниши траншеядаги танклар, металлдан қилинган танкга қарши қурилмалар, ҳавода муаллақ турган самолёт ва жанг вақтида уриб туширилган самолёт тимсолида кўрсатилган. Боққа келганлар траншея устига ўрнатилган учта танк остидан ўтаётиб уруш ва у ана шу танк остида чил-парчин бўлиш даҳшатини ўзида ҳис этиб, жангларда икки томондан нечта танклар иштирок этгани тўғрисидаги маълумотга эга бўлишлари мумкин. Шарқий шаҳар тимсолидаги деворга фашист танкининг келиб урилган ҳолати ясалиб, вайрон бўлган шаҳарлар эса металлдан ишлаб чиқилади ва шу ернинг ўзида уруш тўғрисидаги маълумотлар ёзилган гранит плиталар ўрнатилади.

Жанглар вақтида аскарлар тепаликни қандай ҳимоя қилишгани ҳолати сунъий ишланган тепаликда кўрсатиб берилади. Тепаликнинг дастлабки босқичида блиндаж, овқатланиш ва ҳожатхона объекти, иккинчи босқичда миномётлар, перескоплар, темир зирҳли эшиклар ва бошқаларни кўриш имконини берувчи дзот лойиҳалаштирилган.

«Концлагерь» инсталляцияси қийин шароитларда ҳам ёши улуғларга, бир-бирларига, Ватанга бўлган ҳурмат ва садоқатини йўқотмаган юртдошларимизнинг хотираларига бағишланади. Мазкур композиция металл симлардан ишланган бўлиб, халқимиз менталитетига мос кўринишда юраги порлаб ерда ўтирган образларда кўрсатиб берилади. Шу билан бирга ҳудудда уруш давридаги ҳарбий техникалар – танклар, артиллерия қуроллари, бронетехникалар, самолёт ва вертолётлар, жумладан, ўша йилларда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ҳарбий техника, қурол-аслаҳалар, ўқ-дори, снарядлар намуналари жойлаштирилади.

**Фронт орти ҳудуди** ҳам ўзига хос маъно ва моҳиятга эга тарзда лойиҳалаштирилган. Бу ерда республикамиз аҳлининг уруш йилларидаги меҳнат матонати акс эттирилиб, ўша даврларда эвакуация қилинган заводлар турли ҳажмдаги металл симлар ёрдамида кўрсатиб берилади ва шу ернинг ўзида улар тўғрисидаги маълумотлар жойланади.

«Меҳрибонлик қўли» скульптурасида уруш ўчоғига айланган ҳудудлардан Ўзбекистонга эвакуация қилинган қарийб 200 минг нафар болани ўз бағрига олган, сўнгги бурда нонини улар билан баҳам кўрган, ўша машаққатли даврда ҳам халқимизга азалдан хос бўлган инсонпарварлик, меҳрибонлик ва қалб саховати каби фазилатлар ёрқин намоён бўлади.

Фронт орти ҳудудини ажратиб турган деворда республикамизнинг барча ҳудудлари удумларида ёпилган ва урушга отланган йигитлар тишлаб, хонадонлар деворларига осиб қўйилган нонлар мисол қилиб олинган барельефлари ишланади, шу билан бирга бу ерда фронтга кетган ва у ерда ҳалок бўлган жангчилар сони ҳақидаги маълумотлар қўйилади. Бармоқлари билан узум ушлаб турган аёл қўлининг барельефи эса аёллар ва болалар томонидан терилиб фронтга юборилган мевалар рамзини билдиради. Госпитал-палаткалар эса яраланган жангчиларни парваришлаган шифокорлар, ҳамширалар ва аҳолининг катта меҳнатларини намоён этади.

Шу билан бирга бу ерда музей учун темирйўл вокзали кўринишида барпо этиладиган алоҳида бинода уруш тарихига темир йўлларимизнинг қўшган ҳиссасини кўриш мумкин. Ушбу музейда темир йўл бўйича экспозициялар қўйилиб, перронда ҳақиқий паровоз ва вагонлар туради.

**Қайғу ва ғам-ғусса ҳудуди** боғнинг бош майдони ҳисобланиб, барча асосий байрам тадбирлари, гул қўйиш маросимлари ва бошқалар шу ерда бўлиб ўтади. Бу ерда матонатли юртдошимиз Зулфия Зокирова ва унинг урушдан қайтмаган беш ўғли ҳамда бева қолган тўрт келини сиймосида ўзбек оиласининг умумлашган образини акс эттирадиган ёдгорлик мажмуасини яратиш кўзда тутилган. Мазкур мажмуа олдида икки томондан мураккаб формадаги «Уруш гулхани» композициясидан ўрин олган доимо яшил тусда бўлувчи бересклет қабртошлар каби қўйиб чиқилади.

Мажмуа рўпарасида «Қайғу ва ғам-ғусса» инсталляцияси ўрин олади. Мазкур ёдгорликда уруш кўриниши – миналар портлаганидан қолган ўраларга гўёки мангуликка ғарқ бўлаётган жангчилар турли дин қабртошлари (мусулмон, христиан ва бошқаларнинг белгилари каби) да акс эттирилади. Тошларнинг ҳар бири 1941-1945 йилларни ўз ичига олган алоҳида қадлардан иборат бўлади.

**Ғалаба ва қувонч ҳудуди** ҳам ўзига хос жозибага эга. Бу ерда «Ғалаба» ордени кўринишидаги фаввора қурилиши режалаштирилган.

Ушбу ҳудудда «Шон-шуҳрат» музейининг қурилиши ҳам лойиҳага киритилган. Музей тепалик кўринишида бўлиб, унинг атрофига ўзбекистонлик 303 нафар Совет Иттифоқи Қаҳрамонига атаб 303 та кипарис экилади. Шу билан бирга унинг майдончасида жангчиларнинг ҳайкалтарошлик композицияси ўрнатилади. Музей кираверишига ўзбек халқининг буюк Ғалабага қўшган улуши, унинг меҳнатини акс эттирувчи барельеф, музейнинг ички ҳовлисида эса ҳайкалтарошлик композициясини ушлаб турувчи бешта колонна ўрнатилади.

Музейнинг орқа томонида «Нурафшон» истироҳат боғи ўрин олган бўлиб, ушбу ҳудуд Ғалаба боғининг яхлит концепциясига кўра **шукроналик ҳудуди**ни ташкил этади. Бу ерда ёшлар учун квест шаҳарча бунёд этиш бўйича қўшимча лойиҳа ишлаб чиқилган.

Байрам тадбирларини ўтказиш учун боғда енгил томли 1 000 кишига мўлжалланган амфитеатр, унинг ёнида автотураргоҳ, шу билан бирга аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши учун яна бошқа зарур иншоотларни қуриш кўзда тутилган.

Айни чоғда боғни Ғалабанинг 75 йиллиги нишонланадиган кунларда фойдаланишга топшириш мақсадида республикамизда кўплаб объектларни бунёд этган «Трест 12» АЖнинг 700 га яқин қурувчилари узлуксиз иш тартибида ишлашмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мазкур боғ нафақат юртдошларимиз, балки сайёҳлар учун ҳам диққатга сазовор маскан бўлади. Ушбу боғнинг барпо этилиши халқимизга хос азалий қадриятларни асраб-авайлаш, халқимизнинг уруш йилларида кўрсатган жасорати ва юксак инсоний фазилатларини хотирамизда сақлаш ҳамда келгуси авлодларимизни шу асосда шижоатли ва ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялашга хизмат қилади.



Матонатли юртдошимиз Зулфия Зокирова ва унинг урушдан қайтмаган беш ўғли ҳамда бева қолган тўрт келини ёдгорлик мажмуаси.

Муҳтарам Президентимиз жорий йилнинг 24 январь куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам Ғалаба боғининг барпо этилиши ҳақида тўхталиб ўтиб:

*– Бу боғ халқимизнинг Ғалабага қўшган ҳиссасини намоён этиши, ота-боболаримизнинг қаҳрамонлигини абадийлаштириши керак. Бу ерда Иккинчи жаҳон уруши муҳити, ватандошларимиз қатнашган жанглар ҳақида маълумотлар акс этиши зарур, – деган эди.*

Зеро, юртимизда эҳтиром оғушида яшаётган ҳар бир инсон тафаккурида, албатта, ана шундай юксак қадриятлар туфайли янгиланишлар рўй беради, Ватан ва миллат тақдири ҳақида ўй сура бошлайди, қайғуради. Теварагимиздаги воқеа-ҳодисаларга муносабати ўзгаради, қалбида юксак инсоний фазилатлар жўш уради.

**Дилшод ЖАЛОЛОВ.**



«Шон-шуҳрат» музейи ва унинг атрофига ўзбекистонлик 303 нафар Совет Иттифоқи Қаҳрамонига атаб 303 та кипарис экиладиган кипарислар кўриниши.



# Бобур – шоҳ ва шоир

Бугун диёримизда буюк шоир, шоҳ ва саркарда, назм салтанатининг султони улуғ бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 537 йиллиги нишонланмоқда.

Тарих ва шеърият зарварақларида ўзининг улкан ижодий мероси ҳамда залворли меҳнати билан муносиб ўрин тутиб келаётган улуғ аждодимиз ўз сатрларида ўзининг ёд этилишини ҳис этгандек гўё. Улуғ ўзбек шоири, мутафаккир, тарихчи ва давлат арбоби, марказлашган давлат – бобурийлар салтанати асосчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1483 йилнинг 14 февралида Андижонда туғилган. Амир Темурнинг бешинчи авлоди, Фарғона ҳукмдори Умаршайхнинг фарзанди. Бобур 12 ёшда тахтга чиқиб, 1503-1504 йилларда Афғонистонни эгаллайди. 1519-1525 йилларда Ҳиндистонга 5 марта юриш қилади ва уч асрдан ортиқ давом этган бобурийлар салтанатига асос солди.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Мирзо Бобур 12 ёшида тахтга ўтиргач, унинг дастлабки сиёсий мақсади Амир Темур давлатининг пойтахти, стратегик ва географик жиҳатдан муҳим бўлган Самарқандни эгаллаш ва Мовароуннаҳрда марказлашган кучли давлатни сақлаш, мустаҳкамлаш ҳамда Амир Темур салтанатини қайта тиклашдан иборат эди. Темурийларнинг ўзаро урушлари кучайган кезларда Шайбонийхон Мовароуннаҳрни истило қилишга киришади

Бобур темурийлар салтанатини ҳимоя қилиш ва уни сақлаб қолиш учун астойдил ҳаракат қилиб, Шайбонийхонга қарши бир неча йил давомида муттасил кураш олиб борса-да, аммо мамлакатда ҳукм сурган оғир иқтисодий танглик ва сиёсий парокандалик шароитида мақсадига эриша олмайди. Бобур Самарқанд тахти учун курашаётган пайтда Андижонни Султон Аҳмад Танбал эгаллаб олади. Бобур 200-300 навкари билан Ҳисор тоғлари орқали Афғонистонга ўтади ва у ердаги ички низолардан фойдаланиб, Қобулни эгаллагач, мустақил давлат тузишга жадал киришади, қўшинни тартибга келтиради, қаттиқ ички интизом ўрнатади. Қобулга, умуман Афғонистонга Бобур ўз юрти каби қаради, қурилиш, ободонлаштириш, касбу ҳунар ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ишларини бошлаб юборди. Шаҳар ичидаги Боло Ҳисор қалъасини ўз қароргоҳига айлантириб, уни қайта таъмирлатди, янги иморатлар қурдирди ва оиласи билан шу қалъада яшади.

1512 йил 24 ноябрида Ғиждувон жангида Бобур шайбонийлардан яна енгилиб, Қобулга қайтишга мажбур бўлади. Мовароуннаҳрни эгаллаш илинжидан узил-кесил умидини узади ва бутун эътиборини Ҳиндистонга қаратади. 1519 йил баҳорида Ҳиндистонни забт этиш режаларини амалга оширишга киришади ва кейинги 5-6 йил давомида бир неча юришлар уюштиради. Ниҳоят, 1526 йил апрелда Панипатда асосий рақиби, Деҳли султони Иброҳим Лўдийнинг юз минг кишилик қўшинини 12 минглик аскар билан тор-мор қилади ҳамда Деҳлини эгаллайди, кўп ўтмай Ҳиндистоннинг Бенгалиягача бўлган қисмини ўзига бўйсундиради. Аграни ўзига пойтахт сифатида танлаган Бобур катта қурилиш ва ободонлаштириш ишларини бошлаб юборади. Шу тариқа уч ярим асрга яқин ҳукм сурган қудратли бобурийлар сулоласига асос солади. Бобур Ҳиндистонда ҳам, худди Афғонистонда бўлганидек, кўплаб ижтимоий-хайрли ишларни амалга оширди, мамлакат тараққиётига жиддий таъсир кўрсатди. Тарқоқлик ва парокандаликка, ўзаро ички низо, қирғинларга барҳам бериб, вилоятларни бирлаштирди, марказлашган давлатни мустаҳкамлаш ва юртни ободонлаштиришга, илму ҳунар ва деҳқончиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратди. Қурилиш ишларига бошчилик қилди.

Бобур Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўз юртида қадр-қиммат топди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти фармонига кўра 1993 йилда Бобур таваллудининг 510 йиллиги кенг нишонланди. Ўзбекистон ФАнинг Бобур номидаги медали таъсис этилди.

# Тож Маҳалнинг бунёд этилиш сирлари

**Тож Маҳал Бобурийлар томонидан Ҳиндистонда қурилган бўлиб, дунёнинг энг буюк меъморий обидаси ҳисобланади. Бутун дунёдан ҳар йили 5 миллион одам ушбу архитектура намунасини томоша қилиш учун ташриф буюради. Сайёҳларни Тож Маҳалнинг нафақат гўзаллиги, балки у билан боғлиқ бўлган муҳаббат тарихи ҳам ўзига жалб қилади.**



Тож Маҳал мақбараси Буюк Бобурийлар салтанатининг намоёндаларидан бири Шоҳ Жаҳон томонидан вафот етган суюкли рафиқаси Мумтоз Маҳалга атаб барпо қилинган.

Накл қилишларича, шаҳзода Хуррам, яъни Шоҳ Жаҳон Аржуманд Бону – Мумтоз Бегимни кўриб, унга маҳлиё бўлиб қолади. Шаҳзода қизни шунчалик севиб қоладики, унга уйланишга қарор қилади. Асл миллати арман бўлган бу қиз Жаҳонгир шоҳнинг атрофидаги вазирлардан бирининг қизи ва рафиқасининг жияни эди, яъни келиб чиқиши ҳам оқбилаклардан бўлган. Шунинг учун бу жуфтликнинг никоҳига ҳеч ким тўсқинлик қилмайди. Фотиҳа тўйи 1607 йилда Аржуманд Бону 14 ёшлигида бўлиб ўтган бўлсада, баъзи сабабларга кўра никоҳ тўйи 5 йилга қолдирилади ва улар 1612 йилда турмуш қурадилар. Айнан тўй куни Жаҳонгир шоҳ келинига Мумтоз Маҳал, яъни «сарой жавоҳири», деб исм қўйди.

Мақбаранинг қурилиши учун Агра шаҳри танланди. Султонни Жамна дарёси бўйидаги табиат манзараси мафтун этгани боис у мақбара қурилиши учун шу жойни маъқул кўради. Сув яқинида қурилиш олиб бориш ишчиларга қийинчилик туғдирар, шунга қарамасдан мақбара қурилиши муваффақият билан олиб борилди.

Мақбара қурилиши Мумтоз Маҳал хонимнинг вафотидан ярим йил ўтгач бошланди. У 1632 йилда бошланиб, 12 йил давом этган. Тарихчиларнинг таъкидлашларича, дунёдаги ҳеч бир қурилма, ҳеч бир иншоотга бундай катта сарф-харажат қилинмаган. Хотинининг васиятини бажариш учун султон 32 миллион рупий сарф қилган. Бугунги кунда бу бир неча миллиард еврони ташкил этади.

Шоҳ Жаҳон қурувчиларга хом ашё ва материалларни тежамасдан ишлатишларини, бинонинг ички ва ташқи безаги учун қуёшда тобланадиган тоза мармардан фойдаланишни буюради. Ўша вақтда мармарни бошқа мақсадларда ишлатиш тақиқланади.

Тож Маҳал мақбараси 1643 йилда муваффақиятли қуриб битказилади. Унинг буюклиги султон ва унинг севгилиси Мумтоз Маҳал номининг абадийлашишига сабаб бўлган. Шоҳ Жаҳон ва унинг севгилиси Мумтоз Маҳал хонимнинг муҳаббат тарихи мақбарага ташриф буюрувчиларга ҳикоя қилиб берилади. Беқиёс мафтункорликка эга ушбу мақбара ҳаммани ҳайратга солиши табиий.

Тож Маҳалнинг шуҳрат қозонишига сабаб унинг ноёб чиройга эгалиги ҳамда мақбаранинг қурилишида фойдаланилган оптик иллюзиялардир. Гап шундаки, мажмуа ҳудудига кириш учун дарвоза олдидаги аркадан ўтиш керак. Аркага яқинлашган сари мақбара узоқлашгандай туюлади, ташриф буюрувчилар аркадан ўтишлари биланоқ, кўз ўнгиларида Тож Маҳал намоён бўлади. Мақбарадан узоқлашган сари эса у яқинлашаётгандек тасаввур ҳосил қилади, шунинг учун ҳам бу ерга келган меҳмонлар Тож Маҳални ўзлари билан олиб кетаётгандек ҳолга тушадилар.

Бино мажмуасида миноралар ҳам бор бўлиб, уларнинг қурилишида ҳам кичик бир ҳийла ишлатилган. Бир қарашда миноралар тик, яъни вертикал ҳолатда қад кўтаргандек туюлади, аслида эса улар қурилмадан озгина қияроқ ҳолда қурилган. Бу нарса Тож Маҳални зилзила вақтида вайрон бўлишдан сақлаб қолади. Миноралар баландлиги 42 метрни, мақбаранинг баландлиги эса 74 метрни ташкил этади.

**Райҳон ТАНИҚУЛОВА тайёрлади.**

ОҒИР АТЛЕТИКА

**Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида оғир атлетика бўйича катталар ўртасида ўтказилган VI Халқаро бирдамлик мусобақаси якунланди.**

# Оғир атлетикачиларимиз халқаро мусобақани муваффақиятли якунлади





Мазкур спорт тадбири жорий йили Токио шаҳрида бўлиб ўтадиган спорт оламининг энг нуфузли мусобақаси – XXXII ёзги Олимпия ўйинлари муҳим рейтинг очколарини тақдим этгани боис, ҳар бир вазн тоифасидаги баҳслар шиддатли кечди.

Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Оғир атлетика федерацияси томонидан Осиё оғир атлетика федерацияси ва Халқаро оғир атлетика федерацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган турнирда дунёнинг 62 давлатидан 350 га яқин атлет ғолиблик учун ўзаро куч синашди.

Мамлакатимизда спорт, жумладан, Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган оғир атлетикани ривожлантиришга доимий эътибор қаратилаётгани, нуфузли спорт анжуманларини юқори савияда ўтказиш учун барча имкониятлар борлиги ҳамда замонавий спорт инфратузилмаси мавжудлигини инобатга олиб, Халқаро оғир атлетика федерацияси (IWF) ва Осиё оғир атлетика федерацияси (AWF) томонидан мазкур мусобақаларга мезбонлик қилиш ҳуқуқи Тошкент шаҳрига топширилди.

– Оғир атлетика Ўзбекистонда энг ривожланган спорт турларидан эканига яна бир бор гувоҳ бўлдим. Ўтказилаётган мусобақа ҳам жуда юқори савияда ташкил этилганини алоҳида айтиб ўтмоқчиман, – дейди Халқаро оғир атлетика федерациясининг амалдаги президенти Урсула Папандреа (АҚШ). – Ўйлайманки, Олимпия ўйинларида ҳам ўзбек спортчилари улкан муваффақиятга эришади.

Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси томонидан чемпионатни юқори савияда ўтказиш, мусобақа ташкил этиладиган спорт мажмуасининг халқаро стандартларга мос келишини таъминлаш бўйича изчил ишлар олиб борилди.

Ушбу мусобақада спортчиларимизнинг улкан зафарларни қўлга киритиши учун федерация томонидан бир қатор ўқув-машғулот йиғинлари ташкил этилди.

Спортчиларимизнинг жорий йилги спорт мавсумида кутиб турган нуфузли халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этишида давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 9 мартдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш»га оид қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

Спортчиларимизга яратиб берилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик самарасини атлетларимиз VI Халқаро бирдамлик мусобақасида намоён этди.

VI халқаро бирдамлик мусобақасида 55 килограммгача вазн тоифасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Муаттар Набиева терма жамоамиз ҳисобига 3 та кумуш медаль қўшиб қўйди. 64 килограммгача вазн тоифасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Фотима Ҳабибуллаева терма жамоамизга бронза медаль келтирди.

Вазни 71 килограммгача бўлган хотин-қизлар ўртасида қатнашган ҳамюртимиз Кумушхон Файзуллаева даст кўтаришда 99 килограмм, силтаб кўтаришда 124 килограмм, иккикурашга кўра 223 килограмм натижа билан 3 та олтин медални қўлга киритди. Шунингдек, мазкур вазнда иштирок этган яна бир атлетимиз Нигора Сувонова уч йўналишда кумуш медаль билан тақдирланди.

Эркаклар ўртасида 73 килограммгача вазн тоифасида баҳс олиб борган полвонимиз Достон Ёқубов даст кўтаришда бронза, силтаб кўтариш ва иккикураш натижасига кўра икки кумуш медалга сазовор бўлди.

81 килограммгача вазн тоифасида Муҳаммадқодир Тоштемиров ҳамда вазни 89 килограммгача бўлган Сарварбек Зафаржонов каби атлетларимиз учтадан олтин медални қўлга киритди. 96 килограммдан оғир бўлган атлетлар ўртасида Умарбек Шоҳназаров эса иккита бронза медалга эга бўлди.

Вазни 109 килограммгача бўлган оғир атлетикачилар ўртасида умидли спортчимиз Акбар Жўраев даст кўтариш баҳсларида 189 килограммлик штангани ўзига бўйсундириб, жаҳон рекордини янгилади. Силтаб кўтаришда 221 килограмм, иккикураш якунига кўра 410 килограмм натижа қайд этди. Шу тариқа А. Жўраев уч йўналишда олтин медаль соҳиби бўлди.

– Тўғриси, мусобақада жаҳон рекордини янгилашни кутмагандим. Бироқ мураббийларимнинг ёрдами ва халқимизнинг ишончи сабаб, янги рекорд ўрнатиб, терма жамоамизга учта олтин медаль тақдим этдим. Бунинг учун уларга ўз миннатдорлигимни билдираман, – дейди Акбар Жўраев ЎзА мухбири Жавоҳир Тошхўжаевга. – Мақсадим Олимпия ўйинларида ҳам шоҳсупа тўрига кўтарилишдир.



Поздравления

13 февраля свой 82 день рождения отметил ветеран отрасли, телефонист Министерства строительства Республики Узбекистан **Владимир Степанович Сеснёв.**

Уважаемый Владимир Степанович, от всей души поздравляем Вас с днем рождения!

Желаем оптимизма, бодрости, сил, удачи и вдохновения. Пусть вспоминается только хорошее и случается только доброе, пусть каждый день будет радостным, а здоровье – крепким.

Желаем стать моложе душой и счастливее сердцем!

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
ijtimoiy-iqtisodiy gazeta Строитель Узбекистана

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

**Бош директор – Дилшод Жалолов**

**Таҳрир ҳайъати:**
Ботир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Райҳон Таниқулова**

**«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (қабулхона), 71-244-05-15 (котибият), 71-244-15-13 (таҳририят), 71-244-22-10 (бухгалтерия), 71-244-40-68 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича:** 90-278-95-87.
**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича:** 97-459-74-85.
**Самарқанд вилояти бўйича:** 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-253. 2074 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Д. Жалолов.
**Навбатчи** – Б. Гулямов.

ЎзА якуни – 22.05. Топширилди – 23.05.

1 2 3 4 5